


Халқ депутатлари туман Кенгашининг ўттиз олтинчи сессияси бўлиб ўтди



“Киндиктепа” маҳалласининг номланиши “Хунармандлар” номига ўзгаради

Халқ депутатлари туман Кенгашининг ўттиз олтинчи сессияси бўлиб ўтди.
Сессияни туман ҳокими бошқариб борди.

Кун тартибида Қумкўрғон туманида боғ фермер хўжаликларининг ер
участкаларидан самарали фойдаланиш, боғ фермер хўжаликларининг молиявий

холатини янада яхшилаш мақсадида туман фермер, дөхқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси А.Самадовнинг ҳисоботи тингланди.

Қумқўрғон туманидаги айрим географик обьектларни қайта номлаш бўйича Давлат экспертизаси хulosаси ҳамда Қумқўрғон тумани Кенгашининг 6 чақириқ 36- сессияси қарорига асосан Қумқўрғон туманидаги 61 та маҳаллалардаги 139 та кўча номлари қонун талаблари даражасида номланмаганлиги сабабли ўзгартирилади.

Хусусан, “Киндиктепа” маҳалласининг номланиши “Хунармандлар” номига ўзгаради.

Сессияда кун тартибидаги масалалр юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.